ИСЛОМ МАЪРИФАТИ

# НАВОИЙ КАШФ ЭТГАН ОЛАМ

**⊙ Миллий маънавият ва Баҳоуддин Нақшбанд**
**⊙ Олий ҳақиқатни англаш йўли**
**⊙ Тариқатлар асоси ва тасаввуф**

АЛИШЕР НАВОИЙ ЎЗИНИНГ маънавият жавҳари бўлмиш буюк асарларидан бири «Насоимул маҳабба мин шамойимул — футувва» асарида шайх Абу Бакр Абҳарий баёнида ёзади: «Андин сўрдилар-ки, ҳақиқат недур?». Дедики, «барчаси илмдур». Дедиларки «Илм недур?», дедиким «Илмнинг барчаси ҳақиқатдур».

Ўзбек маънавияти теран томирларга эга. Чунки у неча минг йиллик минтақа маданиятидан баҳра олади. Агар исломгача яратилган улкан хазинани қўя туриб, бу ёғини санаганимизда ҳам адоғига ета олмаймиз. Қуръоннинг илк нозил бўлган оятларидан бошланган илм тарғиби кейинги асрларда минтақа маданиятини юксак чўққиларга кўтарди. Илм, дунёни билиш ягона бир йўналишда эмас, турли йўналишларда ривож топди. Аждодларимиз «Ҳақиқат ягона, аммо унга элтувчи йўллар турли-тумандир», деган олий ақидага таяндилар. Илми калом, илми фалсафа, ботиния илми, тасаввуф илми ва бошқалар ҳар бири ўз йўлидан бориб, халқ шуурини маърифат нурлари билан ёритдилар. Уларнинг бири мантиқ асосида иш кўрса, иккинчиси муқаддас каломни тушунишга жаҳд қилди. Бошқаси илоҳий илҳомга таянди. Уларнинг барчасини тўғри ва бегидир англаб етиш ҳозирги кунда биз учун жуда мушкул вазифадир. Аммо ушбу вазифа барибир ўзбек зиёлилари уҳдасида бор. Бусиз халқ маънавиятининг теран илдизларига сув югурмайди.

Ҳозирги замон кишиси янги Европа маънавияти таъсирида кўпроқ ақлга, илмий мантиққа таяниб ўрганган. Ҳис-туйғу, қалб буйруғи, илоҳий илҳом унинг учун анчайин тутиб бўлмайдиган, мавҳум кечинмалар дунёси туюлади. Шу сабаб шоир, девона ва дарвиш сўзлари баъзи доираларда яқин маъноларда ишлатилади. Ҳар ҳолда жиддий илм изчил мантиқ асосига қурилиши биз учун табиий талаб даражасида ўрганиш бўлиб қолган. Аммо минтақамиз анъанасида доимо икки тушунчалар қатори: илм ва ирфон, олим ва ориф ёнма-ён юрганини унутмаслигимиз лозим.

Олим киму ориф ким?

Илм нимаю ирфон нима?

Тасаввуф ҳақидаги суҳбат ана шу ердан бошланади.

Биз билим манбаи ақл деб ҳисоблаймиз, суфий билим манбаи ишқ деб ҳисоблайди.

Чунки ишқ интилиш туғдиради, ақл фақат назарий мушоҳадага таянса, мантиқий билимлар мажмуидан келиб чиқса, ишқ инсоннинг бутун табиатини, шуурини ишга солади, унда кўзнинг ва қулоқнинг тажрибасигина эмас, инсоннинг бутун руҳияти ва моддияти тажрибаси бир нуқтага жамланади. Биз билгангина эмас, ҳали билмаган, аниқ тасаввур этмаган омиллар ҳам ишга тушади.

Араб тилида «алима» асоси «билмоқ», «хабардор бўлмоқ», «арафа» эса «англаб етмоқ», «таниб олмоқ» маъноларини билдиради. Албатта, гап араб тилидаги икки сўз ўзагининг маъно фарқланишида эмас. Гап билиш жараёнига ёндашувда. Мақсад — «хабар топиш»ми ёки моҳиятни англаб етиб шунга яраша ўзликни қайта қуришми? Масала ушбу ният йўналишларидаги фарқ билан боғлиқ.

Тасаввуф ирфони бир кунда шаклланган нарса эмас. Қуръон нозил бўла бошлаганидан унда мужассам бўлган ҳақиқат асрорини англаб етишга уриниш ҳам бошланган. Аввало Расулуллоҳ шарҳлари — ҳадислар дунёга келди, Пайғамбаримиз вафотларидан сўнг Қуръон матни аниқлангач, ҳадисларини тўплаш, уларни ўрганиш бошланиб кетди. Улар орқали моҳиятни англаб етишга уриндилар. Шу билан бирга илк зоҳидлар ёлғизликда Қуръон оятларини тиловат қилиб, уларни қалб билан англаб етиш йўлида жаҳд қилдилар. Биринчилардан бўлиб Робияи Адавия зуҳд орқали Ишқ мақомига кўтарилди ва . Ишқни инсон руҳий камолотининг олий даражаси деб эълон этди. Зоҳидлар тақвони риёдан ажратиб, Олий ҳақиқатга интилишни жаннат ва дўзахдан таъма қилиш поғонасидан фарқлаб бердилар. Аммо тасаввуф тараққиёти ушбу босқичда тўхтаб қолмади.

Мусулмон дунёсида риё ва таъмагирлик, ҳашамат ва мол-дунёга ўчлик кучайиб борган сари асл Ҳақиқат ошиқлари ҳам ўз йўлларини аниқлаштириб бордилар. Сарой ва жоҳ аҳли билан яқинлаша бошлаган илми калом ва фалсафа уламоларидан фарқ қилиб, улар оятларнинг зоҳирий талқини ва мантиқий мушоҳадалар билан қониқмадилар, инсоннинг ички руҳий ҳолатига етакчи аҳамият бердилар, Қуръон матнининг яхлит моҳиятини англаб етиш ва ҳар бир алоҳида оят, бирикма, сўз, ҳатто ҳарф маъносини ушбу асосда талқин этишга уриндилар. Улар чин ихлос ва сидқни биринчи ўринга қўйдилар, риё ва кибрни қаттиқ қораладилар, қалбни Олий ҳақиқат акс этувчи кўзгу деб билиб, уни ҳар қандай худбинлик зангидан поклашни асосий мақсад қилиб қўйдилар. Ўз айбу қусурларини пинҳон тутмаслик, қайтага савоб ишларини кўздан панада амалга ошириш уларнинг ҳаёт тарзига айланди. Улар таркидунёчиликни рад этдилар, бир бурда нонни ҳалол меҳнат эвазига топиб ейишни тақво деб билдилар. Аста-секин руҳий камолот босқичларидан юксалиб бориш тартиб ва усуллари ишлаб чиқилди. Исломнинг энг асосий қонуни — илм ва амал бирлиги суфийларда энг қатъий қоидага айланган эди. Шу орқали кўнгил ойнаси худбинлик чиркидан покланиб борарди.

БОЯЗИД БИСТОМИЙ ВА ЖУНАЙД БАҒДОДИЙ ўзларининг «фано» ва «бақо» ҳақидаги қарашларида, Мансур Халлож «Аналҳақ» китобида тасаввуф ирфонининг дастлабки тамал тошларини қўйган бўлсалар, XII—XIII аср буюк мутасаввифлари бу соҳада мукаммал тадқиқотларга киришдилар. Бу йўналишда айниқса Ибн ал-Арабий ва Кубравия тариқати намояндаларининг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Шу муносабат билан тадқиқотчилар эътиборидан четда қолаётган бир масалани эслатиб ўтиш жоизга ўхшайди. Юқорида таъкидланганидек, тасаввуфда дунёни идрок этиш жараёни мантиқий тафаккур йўналишларидан фарқ қилади. Шунга кўра орифлик ҳам икки кўринишда намоён бўлади. Биринчи йўналиш намояндалари ўз ирфоний камолотларини асосан амалий ҳаёт тарзи, суҳбатлар ва ишоралар, пурмаъно ҳикматлар орқали намоён этадилар ва асосли мукаммал тадқиқотлар яратишни мақсад қилиб қўймайдилар. Натижада, уларнинг таълимотлари ва қарашлари халифалари, шогирдлари, кейинги тасаввуф адиблари ёзиб қолдирган хотиралар, кузатувлар, ривоят ва ҳикоятлар орқали бизгача билвосита етиб келган ва кўпинча улар асосида аниқ, мукаммал тушунчалар ва тасаввурлар ҳосил қилиш ҳозирги давр кишиси учун жуда мушкулдир.

Аммо бу нарса ушбу буюк шахсларнинг миллат ва жаҳон маънавиятидаги мавқеини асло пасайтирмайди. Назаримда, бу тоифани биринчи ва асосий деб ҳисоблашимиз ўринлидир, чунки, аввало, илк тасаввуф намояндаларининг кўпчилиги шу тоифага мансуб бўлганлар, қолаверса, кейинги ривожланиш даврларида ҳам суфий шайхларининг назариётчисидан амалиётчиси бир неча баробар кўпроқ бўлиб келган. Тасаввуф тариқатлари, сулук ва силсила асосчилари ҳисобланувчи кўпчилик буюк шайхлар ҳам ўз ҳаётларида назариядан кўра амалиётга кўпроқ эътибор берган кишилардир. Улар китоб ёзиш, назарий мулоҳазалар юритишга эмас, дил зангини жилвирлаш, чирклардан тозалаш, яъни ички маънавий-руҳий покланишга бош эътиборни қаратганлар, мантиқий-назарий теранликка интилиш натижасида эмас, руҳий камолот орқали валийлик мақомига етишганлар. Аммо баъзи суфийлар ўзларидан олдин эришилган ирфоний ютуқларни умумлаштириш, изчил тартибга келтириш, кейинги авлодга етказиш эҳтиёжини ҳам ҳис қилдилар ва ушбу ўз олдиларига қўйган мақсадларини амалга оширдилар. Буларнинг хизмати биз учун жуда буюк, чунки аввалгилар ҳақидаги энг ишончли маълумотларни бизга шулар етказиб беради, руҳий силсилалар ўзилган ушбу замонамизда ўтмишнинг табаррук мероси, туганмас жавоҳирлар хазинасига йўл очувчи бирдан-бир восита биз учун ушбу сақланиб қолган китоблардир.

Китоблар ҳам ўз мундарижасига кўра икки шартли туркумга ажралади: бири буюк шайхларнинг маноқиблари, тазкиралар ва шу каби қимматли маълумот манбалари бўлса, иккинчи туркум соф ирфон назариясига оид китоблардир. Албатта, биринчи туркум ҳажман кўп ва унинг таркибида ирфон назариясига оид бевосита маълумот берувчи ўринлар ҳам анчагина. Аммо иккинчи йўналиш соф ирфоний тафаккур ҳақида бизга рўйи рост тасаввур беради ва шу жиҳатдан унинг аҳамияти тадқиқотчилар учун беқиёсдир. Бу йўналишнинг бутун дунё тан олган пири Ибн ал-Арабий ҳисобланади.

XIII асрда ўтган ушбу аллома асарлари ирфоний тафаккур қомуси бўлди ва тасаввуфнинг ўзидан кейинги ривожига беқиёс таъсир ўтказди.

Нақшбандия тариқати ирфоний тафаккур камолотининг ушбу авж нуқтаси файзидан баҳраманд бўлган, тасаввуфий онг ривожи ва амалий тажриба кўникмаларининг бутун ганжинасини ўзида мужассам этган мукаммал бир маънавий-руҳий оламни идрок этиш мактаби бўлди ва шу сабабдан анъанавий ислом минтақа доирасида ёйилибгина қолмай, жаҳоннинг ўзга минтақаларига ҳам дадил кириб борди, Россия, Европа, Сибир, Хитой, Ҳинд, Ҳинди-Хитой, Африка иқлимларида ҳам кўзга кўринарли нуфуз ҳосил қилди. Жомийнинг машҳур ибораси бежиз эмас. Муҳаммад (салли аъло алайҳи васаллам) ва Қуръон ўзидан олдинги пайғамбарлар ва илоҳий китобларга қандай нисбатда бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати тасаввуф ирфони ва амалиётининг ўзидан олдинги ривожига ушбу нисбатдадир деб айтиш мумкин. Шу жиҳатдан нақшбандия кубравияга ҳам, яссавияга ҳам издошдир. Шу сабабдан, Юсуф Ҳамадоний ҳам, Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳам Нақшбандия тариқатининг бешигини тебратганлар, аммо бу тариқат пилигини ёғдан кўтариб, уни порлатиб юборган Баҳоуддин Нақшбанд бўладилар. У кишининг араб, форс, турк тасаввуф анъаналарини бир томирга бирлаштириб, ягона маънавият мактабига айлантиришлари ҳам ислом маданияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Минтақанинг маънавий-руҳий яхлитлиги шаклланишида, ислом ҳақиқатини мужассам идрок этишдаги яна бир умумий поғонага кўтарилишда нақшбандиянинг мавқеи беҳиёс юксакдир.

ХОЖА АҲРОРИ ВАЛИЙ, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бадриддин Симавий каби сиймолар ушбу маънавият поғонасида тарбия топиб вояга етдилар. Улар маънавий камолотни улус хайри учун эзгу амалий фаолият билан уйғунлаштирдилар, инсон камолотини жамият камолоти билан боғлай билдилар.

«Даст ба кору дил ба ёр» қоидаси янги даражага кўтарилди. Ва ниҳоят Алишер Навоий Низомий ва Деҳлавий, Ҳофиз ва Лутфий каби мутафаккир шоирларнинг бадиий тафаккур соҳасида очган янгича йўлларини такомилига етказиб, умрининг ниҳоясида бадиий, мантиқий, ирфоний тафаккур йўналишларида эришилган энг юксак натижаларни ягона бир нуқтага бирлаштирди ва дунёни билиш, Олий ҳақиқатни англаб етишда мутлақо янги босқичга асос солди, инсон ва жамият маънавий камолотида янги даврини бошлаб берди, янги бир олам кашф этди.

Фузулий, Машраб, Бобур, Бедил, Нодира ушбу янги дунёда яшадилар, унинг пок ҳавосидан нафас олдилар. Ушбу анъаналарни ўз ижодлари билан янада юксакларга кўтардилар.

Бугунги миллий маънавиятимиз тамал тошларини шундай муборак қўллардан олмоғимиз вожибдир.

**Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ,**
**филология фанлари доктори**

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 2 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# АҚЛ ТАРБИЯСИ

БУНДАН ИККИ-УЧ ОЙ БУРУН республика матбуот тарқатувчиларининг йиғилишида иштирок этдим. Йиғилишда матбуот тарқатишга доир жуда кўп муаммолар муҳокама қилинди. Айниқса йўл харажатларининг ошиб кетиши обуначига газета-журнал етказиб беришда жиддий қийинчилик туғдираётгани ҳақида қизғин баҳслар бўлди, турли хил фикрлар ўртага ташланди. Булар вақтинчалик бўлаётган қийинчиликлар албатта. Республика ўз қоғозини ишлаб чиқара бошласа, топилган нефт конлари ишга тушиб кетса йўл харажатлари ҳам, қоғоз ҳам арзонлашар. Мени шу ерда айтилган бошқа бир гап ўйлантириб қўйди. Тошкент шаҳар почтаси бошлиғининг гапига қараганда, кейинги бир йилда шаҳарнинг энг гавжум жойларидаги ўнта газета дўкони ўрнига тижорат дўконлари қурилган эмиш.

— Бозорлардаги газета дўконларимизнинг ҳам кўпи ёпиб қўйиляпти, — деди почта бошлиғи ўша йиғилишда. — Чунки бозорлар тўла бозорқўмлар ихтиёрига берилган. Бозор ҳудудига нима қуриш, нимани бузишни ҳам улар ҳал этади. Шундай бўлгач улар газета дўконини бошига уришадими. Тижорат дўкони бошқа гап. Ҳам жой учун катта пул тўлайди, ҳам...

Мана сизга маънавиятга муносабат. Бундай қилишга ким фатво берганини билмадиму, лекин ҳарқалай ундай одамларни кечириб бўлмайди.

Тўғри, тижорат дўконлари ҳам керак. Лекин улар бугуннинг ўзидаёқ керагидан ошиқча-ку. Ҳар қадамда биттадан тижорат дўкони шартми?

Кейинги пайтларда «Ота-боболаримиз катта тижоратчи бўлишган, барча савдо йўллари бизнинг заминимиздан ўтган» деган гаплар бот-бот қайтариляпти. Матбуотчилар ҳам шу жумлани кўп ишлатадиган бўлиб қолишди. Тўғри гап. Авлодларимиз уста савдогар бўлишган. Шарқ билан Ғарбни боғлайдиган карвон йўллари бизнинг ҳудудимиздан ўтган. Лекин шу билан бирга авлодларимиз жуда билимдон ҳам бўлишган. Дунёга донги кетган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек каби юзлаб олиму фузалолар ҳам шу юртда вояга етган. Буни унутмаслигимиз керак. Мовароуннаҳрни оламга танитган ҳам уста тижоратчилар эмас, ўша олиму фузалоларимиздир.

Ота-боболаримиз фақат тадбиркор тижоратчи эмас, уста меъмор ҳам бўлишган. Шуларнинг қўллари ва меҳнати билан яратилган Самарқанд, Бухоро, Хева каби шаҳарларимиз оламга танитган Мовароуннаҳрни.

Қадимда савдогарлар фақат қимматбаҳо буюмлар сотиш билан шуғулланмаган. Карвонларда хат-хабарлар, китоблар ташилган. Савдогарлар халқнинг фақат моддий эмас, маънавий бойишида ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Бугун эса вақтинчалик бўлаётган қийинчилик туфайли маънавиятга — китобга, газета ва журналга бўлган муносабат ўзгарди. Юқорида таъкидлаганимиздек, газета ва китоб дўконлари ўрнини тижорат магазинлари эгаллай бошлади. Умуман, тижорат дўконлари қурилишига катта эътибор берилаяпти.

Ал-Хоразмий мавзеси пойтахтимизнинг энг навқирон мавзеларидан бири. Бу ерда ҳозирги кунда 60 мингга яқин киши истиқомат қилмоқда. Кейинги икки йилда мавзеда беш-олтита тижорат дўкони иш бошлади. Негадир уларни қуришга ҳам қурилиш материаллари тез топила қолади. Лекин бу ерда битта кутубхона қуриш ҳеч кимнинг эсига келаётгани йўқ. Фақат Ал-Хоразмийда эмас, ҳамма жойда кутубхоналарга муносабат шундай. Бу ўз-ўзидан халқни маънавий қашшоқликка олиб келади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач жуда катта ишлар қилинди. Кўплаб янги олий ўқув юртлари очилди. Шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва жонкуярлиги туфайли 2000 дан ортиқ талаба Туркияга ўқишга жўнатилди. Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция каби мамлакатларга ҳам талабалар юборилмоқда. Бир қанча жамғармалар очилди. Лекин булар бари давлат йўли билан амалга оширилаяпти. Бу ишларнинг ҳаммасига давлат хазинасидан маблағ ажратилаяпти. Қани энди бу харажатларнинг бир қисмини пулдор ташкилотлар ўз бўйнига олса.

Яқинда бир гуруҳ муҳаррирлар ва журналистлар билан Тошкентдаги «Ўрта Осиё электроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдик. Бирлашма бош директори Абдуманноп Алимбоевнинг гапига қараганда корхона сўнгги йилда ўз кадрларини ўқитиш учун ўн беш миллион сўм пул сарфлаган. Афсуски бундай ташаббускор, тадбиркор раҳбарлар бизда ҳали унча кўп эмас. Ваҳоланки, миллиардлаб сўм даромад қилаётган завод ва фабрикалар анчагина топилади.

Қайсики мамлакатда билимли, маданиятли кишилар кўп бўлса, ўша ерда ўсиш, ривожланиш бўлади. Бунга мисоллар излаб юриш шарт эмас.

Япония иккинчи жаҳон урушидан жуда оғир аҳволда чиққани барчага маълум. Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ташланган атом бомбасининг жароҳатлари бугун ҳам битгани йўқ. Шундай оғир шароитда ҳам японлар асосий эътиборни ёшлар тарбиясига қаратган эканлар. Ёшларга билим бериш биринчи даражали вазифа қилиб белгиланган экан. Ўша сиёсатнинг мевалари мана бугун пишди. Япония дунёдаги энг бой мамлакатлардан бирига айланди.

ТЕЛЕВИЗОРЛАРДА ГЕРМАНИЯ ҳақида кўрсатувлар берилса қизиқиб томоша қиламиз. Немислар машиналарини кўчаларда очиқ қолдириб кетади, аммо ҳеч ким тегинмайди, деган гапни эшитсак ҳайрат билан бир-биримизга боқамиз. Киноларда светофорни қизил чироғи ёниб турса-ю машина бўлмаса ҳам йўлни кесиб ўтмаган йўловчини кўрсак куламиз. Аммо буларнинг ҳаммаси катта маданият эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Иккинчи жаҳон урушида Германия саноати бутунлай издан чиққан эди. Жуда оз фурсатда жаҳондаги энг бой, ривожланган мамлакатга айланди. Бунинг сири нимада? Яхшилаб ўйлаб қарасангиз, ўша кўчада очиқ қолган машинани ўғирламасликда ва светафорнинг фақат кўк чироғи ёнганда йўлни кесиб ўтишда. Чунки бундай юксак маданиятга эришган халқ яхши яшашга ҳақли.

Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз керакки, дунёни эгаллашнинг ягона йўли дунё маданияти даражасидаги халқни тарбиялашдир. Бунинг учун эса аввало тарбиячининг ўзи билимли, маданиятли бўлиши керак. «Маънавият педагогикаси тарбиячиларни тарбиялашдан бошланмоғи зарур, — дейди русларнинг улуғ шоирларидан бири Евгений Евтушенко, —... ўқитувчи ҳам адиб, лекин у китоб эмас, тирик одам яратади. Ёлғончи муаллим оммавий тарзда бўлажак ёлғончиликларни кўпайтиради. Ёмон китобни кўп чиқариб бўлмагандай, ёмон болаларни кўплаб етиштириш кони зиён. Яхши одамлар ва яхши китобларнинг кам бўлиб қолиши миллат маънавияти учун хатарлидир. Барча етишмовчиликлар ғайриинсоний ва ҳеч қачон ўзини оқламайди. Лекин энг ғайриинсоний етишмовчиликлардан бири — бу китоб етишмаслигидир».

Бугун бизда фақат китоб эмас, газета-журналлар ҳам кам. Яқин-яқинда ҳар бир хонадон 3-4тадан газета-журнал оларди. Иқтисодий қийинчиликлар уларни шундан ҳам маҳрум қилди. Бундан 3-4 йил бурун болалар журналлари ва газеталари миллионлаб нусхада чоп этиларди. Хуллас, ҳамма болаларга биттадан журнал ёки газета тўғри келарди. Биз бу газета ва журналлар орқали «СССР деган буюк ватанимиз борлигини ва унинг халқлари албатта коммунизмга боражагини» уқтирардик. Болалар ишонишарди. Ёш қалбларни ишонтириш осон. Ёшликдаги тарбиянинг аҳамияти катта. Бугун биз болаларимизга мустақиллигимиз, унинг буюк аҳамиятини тушунтириб бера оляпмизми? Ҳа, аммо кўнгилдагидек эмас. Чунки боя юқорида айтганимиздек, китоблар, газета-журналлар, энг асосийси, тарбияли тарбиячилар етишмаяпти.

Яқинда Тошкент — Гулистон электричкасида бир болакайни учратиб қолдим. Ёши ўндан сал ошган. Ялангбош, қўллари кир. Устидаги майка ва калта иштонига қараб бўлмайди. У қўлидаги пақирни зўрға кўтарар, шунга қарамай вагондан вагонга ўтиб, одамларни сув сотиб олишга чорларди. Ҳаво жуда иссиқ эди. Айниқса одам тирбандлигидан ичкарида нафас олиб бўлмасди. Шунинг учун бўлса керак, одамлар болакайнинг ташқи кўринишига бир қараб қўярди-ю, лекин бир истакан сувни 5 сўмдан сотиб оларди.

Орадан 10—15 минут ўтгач бола сувни сотиб бўлди. Сўнг биз ўтирган вагонда тўхтади. Шунда менинг ёнимда ўтирган киши болакайни саволга тутди:

— Пулинг қанча бўлди?

— Билмайман, уйга бориб санайман.

— Ҳаммага сотдингми ёки чоллар, кампирлар, ёш болаларга бепул бердингми?

— Нега бепул бераман? — деди болакай саволга савол билан.

— Дуо қилишади.

— Дуони нима қиламан? Ҳозир менга пул керак. Шунча меҳнат қилиб, сув олиб чиқайину, бепул берайми.

Мен болакайнинг гапларини эшитиб ҳайратдан қотиб қолдим. Бу не ҳол, наҳотки 10 яшар бола шундай ноўрин фикрласа. Бундай болалар осмондан тушиб қолаётгани йўқ. Уларнинг бундай бўлишига ўзимиз йўл қўйиб бераяпмиз. Балки меҳнат қилиб сув сотаётгани тўғридир, бу билан кимларнидир ҳожатини чиқараётгандир, чанқоғини босаётгандир. Шу йўл билан пича пул топаётгандир. Аммо ўша пул аллақачон унинг онгини, дунёқарашини бузиб улгурган-ку.

Болакай узоқлашгач ёнимда ўтирган киши «Шулар ишбилармон бўлади-да», деб қўйди. Мен эса бу сув сотувчи боланинг келажагига ишонмадим. Ҳамроҳим ишбилармон деган сўзнинг маъносини қандай тушунади билмадим-у, аммо чет элда катта-катта корхоналарнинг эгаларини, банкирларни ишбилармон деб аташади. Улар моддий жиҳатдангина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам бой одамлар. Улар меҳнат қилиш билан бирга кўп вақтларини мутолаага ҳам сарфлашади. Улар бойликларининг маълум бир қисмининг миллат тараққиёти йўлида сарфлайди. Кўплаб етим-есирлар, қариялар, ишсизларга нафақа беради. Бизнинг «бўлажак ишбилармон» — болакайнинг дунёқараши эса мутлақо бошқача. Бугун қариялардан бир истакан текин сувни аяган одамдан эртага бой бўлиб кетса нимани кутиш мумкин.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАКТАБ дарсликларини тубдан яхшилаш ҳақида жуда кўп баҳс мунозаралар бўлди. Аста-секинлик билан бўлса-да бу ишга киришилди. Яқин йиллар ичида бирин-кетин биз кутган дарсликлар ўқувчилар қўлига бориб тегади. Лекин бугунги айрим ўқитувчиларнинг билим даражаси дарсликлар даражасидами? Масаланинг шу томонига эътиборни қаратмоқ зарурга ўхшайди:

Кейинги уч-тўрт йилда олий ўқув юртларига кириб ўқиш истагини билдираётган ёшлар сони бироз камайди. Бир вақтлар институтларда бир ўринга 25—30 талабгор бўларди. Ҳозир эса бу рақам бир-иккитага тушиб кетди. Нега шундай бўлаяпти? Наҳотки бу ҳам иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлса? Йўқ, ундай эмас. Бугунги талаба давлат томонидан тўла муҳофаза қилинаяпти. Ўқишга қизиқиш камайишининг сабаблари бошқа жойда.

Ўтган йили бир қўшнимнинг ўғли мактабни тугатди. Ўқитувчиларнинг гапига қараганда анча дуруст ўқиган. Бир куни ундан энди қаерга ўқишга кирмоқчи эканлигини сўрадим.

— Ҳеч қаерга, — деди бирдан томдан тараша тушгандек. — Ўқиган одамларни кўриб юрибмиз. Қуруқ ойликка кун кечиришади. Тижорат билан шуғулланаман.

У ҳақиқатан ҳам айтганини қилди. Аввал Панфилов бозоридан ул-бул олиб келиб сотиб юрди. Кейин тижорат магазини очди. Бир йилга етмай эскироқ бўлса ҳам машина олди.

Шу ерда бир ҳақли савол туғилади. Заводда ишлаётган олий маълумотли инженер ҳозирги шароитда бир йилда енгил машина ола оладими? Йўқ. Кўриниб турибдики, атрофдаги воқеалар болалар тарбиясида катта аҳамиятга эга. Кўпгина иқтидорли ёшлар ўзини савдога ураётганининг сабаблари ҳам шунда. Агар шундай кетаверса, балки бозорларимиз молга тўлиб кетар, лекин маънавий жиҳатданчи?

Бугун дунёни Америкасиз тасаввур қилиш қийин. Америка долларига жаҳоннинг исталган ерида савдо қилишингиз мумкин. Лекин Америка бунга тижорат туфайли эришгани йўқ. Американи Америка қилган ақлли одамлари. Демак, ақллар тарбияси бизда биринчи ўринга чиқиши керак.

Кеча метрода келаётиб бир одам ўтиш даври қийинчиликларидан нолиб қолди.

Ачинарли томони шундаки, атрофдаги уч-тўрт киши ҳам унинг гапини маъқуллади. Наҳотки мустақиллик бизга ҳеч нарса бермаган бўлса? Йўқ, ўртоқ, сиз адашяпсиз. Мустақиллик бизга жуда кўп нарса берди. Назаримда сизга қоп-қоп пул берадиган мустақиллик керакка ўхшайди. Сиз бировни оёғини ялаб, елкасини уқалаб бўлса-да яхши яшасам дейсиз. Қорнини ўйлаб қадрини унутган одам мустақилликнинг маъносини тушунармиди.

Яқин-яқингача дунёдаги айрим халқлар ўзбек деган миллат борлигини билмасди. Жаннатмакон юртимизни Россия деб аташарди. Бугун БМТ биноси олдида мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турибди. Шунинг ўзи фахр эмасми миллат учун.

Илгари оддийгина ўз тарихимизни тўлиқ ўргана олмасдик. Бугун Амир Темурга ҳайкал ўрнатаяпмиз. Яқин-яқингача қариндоши вафот этган масъул ходим жанозага бора олмасди. Худога шукр, бугун Қуръони Карим ўзбек тилига таржима бўлиб босилиб чиқди.

Собиқ СССР даврида барча алоқалар Москва туфайли бўларди, бугун дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзимиз музокаралар олиб бораяпмиз. Тошкентдан Лондонга, Мюнхенга, Деҳлига ва яна кўплаб шаҳарларга самолётлар учаяпти. Юзлаб, минглаб чет эл корхоналари, фирмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Яқин ойлар ичида Ўзбекистон ўзининг енгил машиналарини чиқара бошлайди.

Мустақилликдан яна нима истайсиз? Икки йилда бундан орттириб яна нима қила олиш мумкин?

Бугунги иқтисодий қийинчиликлар ўткинчи. Эрта-индин яхши кунлар ҳам келар. Эсингизда бўлса, СССР парчалана бошлаганда дўконлар бутунлай бўшаб қолганди. Сотувчилар пештахталар устини ҳар хил елим халталар билан беркитиб қўйишганди. Ҳозир дўконлардан истаган нарсангизни топасиз. Тўғри, қиммат. Демак, иқтисодий жиҳатдан ўнгланиб бораяпмиз. Энди бор кучни халқни маънавий тарбиялашга қаратмоғимиз лозим. Одамларимиз дунёқарашини ўзгартиришимиз керак.

МАҚОЛАМНИНГ ОХИРИДА юқорида айтилган бир жумлани такрорлашни истардим: «Дунёни эгаллашнинг ягона йўли дунё маданияти даражасидаги халқни тарбиялашдир».

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 2 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

---

# БИЗГА ҲАМ НАВБАТ КЕЛАДИ

Уруш йиллари жасур ўзбек ўғлони Собир Раҳимовга генерал унвони берилганда халқимиз «Ўзбекдан генерал чиқибти» деб қувонган эди. «Генерал» унвонини, дарҳақиқат, шўроларнинг 1917 йилдаги тўнтаришидан сўнг биринчи бўлиб Собир Раҳимов олгани аниқ. Кейин Каримов, Норхўжаев, Ҳожибоев, Узоқов ва бошқа ўзбек ҳарбийлари ҳам генерал бўлишди. Уларнинг айримлари бундан ҳам юқорироқ даража — генерал-лейтенантгача етишди. «Генерал полковник», «армия генерали», «маршал» унвонлари эса ўзбекларга насиб этмаган эди.

Ваҳоланки, чор армиясида китоблик Жўрабек генерал-майор унвонига эришган. 1937 йилги қирғинда комдив (генерал-лейтенант) Миркомил Миршаропов, биринчи ранг командарм (армия генерали), мамлакат ҳарбий кенгаши аъзоси Файзулла Хўжаев ва яна икки ўзбек генерали «комбриглар» ҳалок бўлдилар.

Авиация, ракета техникаси, бронетанк ва чегара қўшинлари, электроника, алоқа қўшин турларида ўзбеклардан полковник чиқаришга ҳам раво кўрилмаган эди. Фақат бирор ўзбекча исмшарифлик ёки аралаш никоҳдан туғилган кишилардан чиққан (аммо ўзбекча билмайдиган) ўзбек полковниклари бўлиши мумкин.

Сапёр, қурилиш, қоровуллик қисмлари ўзбек йигитларидан рози. Чунки, булар асосан Қашқадарё йигитлари, Фарғона фарзандлари, Тошкент ўғлонларидан иборат бўлар эди.

Илгари бирор чет эл дипломатия ваколатхоналарида ўзбек зобити хизмат қилганини эслай олмайман. Ҳолбуки, йирик мамлакатлардаги элчихоналарда беш-ўнлаб ҳарбийлар дипломатик хизматни ўташади...

Тарихдаги энг даҳшатли урушда — 41—45-йилларда ўзбек халқи ярим миллионга яқин қурбон берди. Уч-тўртлаб ўғли урушдан қайтмаган оилалар бор. Берлинда, Райхстаг устига Ғалаба байроғини биринчилардан бўлиб олиб чиққанлар орасида ҳам ўзбек йигитлари бор эди. Батальон комиссари наманганлик Қошқарбоев, «Берлиннинг таслим бўлиши» филмидаги жангчи Юсупов (бу образ), Сталинграддаги Павлов уйи ҳимоячиларидан бири Турғунов ҳам ўзбеклардан эди. Матросовчилар ичида ҳам ўзбек бор эди. Ленинград ҳимоячилари ичида ҳам, Днепрни дастлаб кечиб ўтиб, қаҳрамонлик унвонига эришганлар ичида ҳам йигитларимиз бор эди.

Миллатдошларимиз — буюк Амир Темур авлодлари, Жалолиддин ва Бобур авлодлари ўзини бутун дунёга энг адолатпарвар қилиб кўрсатган шўролар даврида катта қўшилмаларга ҳам қўмондонлик қилишга лойиқ топилмади. Ваҳоланки, уруш йиллари бир неча юз корпус, юзга яқин армия ва армия гуруҳлари, қирққа яқин фронт ташкил этилган бўлиб, унинг қўмондонлари, ўринбосарлари, штаб бошлиқлари бўлишган. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, ёқут, тува... қўйинг-чи, рус, украин, армани, грузин ва яҳудийдан ўзгаси бу доирага кирмаган! Мудофаа вазирлиги идорасига эса умуман яқинлаштирилмаган! Бунга лойиқлар бўлмаганми! Ё бўлгану ишонишмаганми?

Кичкина Яман, Мўғулистон ёки Исроил ўнлаб ўз генералларига, маршалларига, лашкарбошиларига эга эди.

Бизга ҳам навбат келди. Мустақил давлатимиз ўз ҳарбий куч-қудратини мустаҳкамламоқда, ўз миллий ҳарбийларини камолга етказмоқда. Ўзини ҳимоя қила оладиган мамлакатгина мустақил бўлади. Ўз Ватанини ҳимоя қиладиган халққагина озодлик ярашади. Мустақиллик, озодлик эса — ўз қўшинлари, қўшинлар эса ботир лашкарбошилари билан шарафли.

Ўр армиямиз бор, энди ўз генералларимиз, маршалларимиз бўлади. Бу мустақиллигимиз гаровидир.

**Анвар ТОЖИЕВ**



ҚИРОАТ

